БЎЛАЖАК МУТАХАССИСЛАРНИ ТАДҚИҚОТЧИЛИК ФАОЛИЯТИГА ТАЙЁРЛАШ

Хакимова Мухаббат Файзиевна
Тошкент давлат иқтисодиёт университети профессори, педагогика фанлари доктори

Бугунги кунда жаҳонда таълим тизимларининг интеграциялашуви тараққиётнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи ва барқарор ривожланиш мақсадларига етказувчи фаолият сифатида тан олинган. Замонавий таълим тизими бўлажак мутахассисларни креатив ёндашувлар асосида тадқиқотчилик лаёқатини тарбиялаш механизмларини ва уларни амалиётга жорий этишнинг инновацион тизимини янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Шу жиҳатдан олганда, олий таълим соҳасида бўлажак мутахассисларнинг тадқиқотчилик лаёқатларини тарбиялаш, инновацияларни яратиш, янги билимларни яратувчи замонавий педагогик жараёнлар асосида уларнинг фикрлаш қобилиятини тарбиялаш орқали ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг интеллектуал ресурсларини яратиш ҳамда мамлакатимизда рақобатбардош кадрлар тайёрлаш имкониятларини кенгайтиришда алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Яна бир муаммони ҳал этиш ўта муҳим ҳисобланади: бу педагоглар ва профессор-ўқитувчилар таркибининг профессионал даражаси, уларнинг махсус билимларидир. Бу борада таълим олиш, маънавий-маърифий камолот масалалари ва ҳақиқий қадриятларини шакллантириш жараёнларига фаол кўмак берадиган муҳитни яратиш зарур” – деб айтган фикрлари мамлакатимиз олий таълим муассасаларида мутахассис кадрларни тайёрлашда муҳим аҳамият касб этади.

Ҳозирда дунё миқёсида тайёрланаётган мутахассисларда тадқиқотчилик фаолиятини шакллантиришнинг педагогик-психологик омилларини такомиллаштириш бўйича устувор йўналишлар белгилаб берилган. Бу борада иқтисодиёт олий таълим муассасаларида бўлажак мутахассисларни тайёрлашнинг мазмуни ва илмий-методик базасини ривожлантириш, таълим жараёнида ностандарт педагогик ечимларни ўзини ўзи фаоллаштириш асосида ўзлаштириш, ўқув материалларини ўзлаштиришга бўлган мотивацияни ошириш бўйича илмий изланишлар олиб борилаётганлиги муҳим ўрин эгаллайди. Шу нуқтаи назардан олий таълим муассасаларида бўлажак мутахассисларнинг тадқиқотчилик лаёқатини креатив ёндашувлар асосида тарбиялаш катта илмий-амалий аҳамият касб этади.

Республикамизда ахборот муҳитини кенг жорий қилиш шароитида бўлажак иқтисодчи педагогларнинг тадқиқотчилик фаолиятига барқарор қизиқишини илғор хорижий тажрибаларга таянган ҳолда ривожлантириш имкониятлари яратилган бўлиб, инновацион тафаккур, қобилият, лаёқат муҳим индикатор сифатида эътироф қилинади. Замонавий глобаллашув шароитида бўлажак мутахассисларда тадқиқотчилик фаолиятини ривожлантириш ва изланувчанлик сифатларини шакллантиришни таъминловчи моддий-техник база, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар базаси тубдан янгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонида “илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш, олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот институтлари ҳузуридаги ихтисослаштирилган илмий-экспериментал лабораториялар, юқори технология марказлари ва технопаркларни ташкил этиш” устувор вазифалар этиб белгиланди. Бу борадаги вазифалар таълим жараёнлари мазмунини илмийлаштириш, бўлажак мутахассисларнинг ижодий тадқиқотчилик фаолиятини ривожлантиришга хизмат қилади.

Ҳаракатлар стратегиясида узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш йўлини давом эттириш, сифатли таълим хизматларига имкониятларни ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мувофиқ юқори малакали кадрларни тайёрлаш ҳамда

олий таълим муассасалари фаолиятининг сифати ҳамда самарадорлигини ошириш устувор вазифа сифатида кўрсатилди. Олий таълим муассасаларида бўлажак педагогларни касбий тайёрлаш тизимини янги босқичга кўтаришда 2017-2021 йилларда олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш дастури ҳам муҳим методологик асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда олий таълим соҳасидаги амалга оширилаётган янгиликлар талабаларни мустақил фаоллигини оширишни, ўқув машғулотларида ноанъанавийликка асосланилган усулларга кўпроқ ёндашишни тақозо этади. Талаба шахси камолотида берилаётган мустақил ўқув топшириқлари, муаммоли ечимга қаратилган мунозарали дарс шакллари ва аудиовизуал воситаларга асосланилган ўқув материаллари кучли ижтимоийлаштирувчи таъсир аҳамиятига эга. Айнан мана шундай ўқитиш усуллари воситасида бўлажак мутахассисларни олий таълимдаги ўқув фаолиятига тайёрлаш, мантиқий ва танқидий тафаккурини шакллантириш, тадқиқотчиликка оид малакаларини шакллантириш, мавжуд қобилиятларини юзага чиқаришга имкон яратилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора –тадбирлари тўғрисида”ги Қарорида: “Ҳар бир олий таълим муассасаси жаҳоннинг етакчи илмий-таълим муассасалари билан яқин ҳамкорлик алоқалари ўрнатиш, ўқув жараёнига халқаро таълим стандартларига асосланган илғор педагогик технологиялар, ўқув дастурлари ва ўқув-услубий материалларини кенг жорий қилиш, ўқув-педагогик фаолиятга, мастер-класслар ўтказишга, малака ошириш курсларига хорижий хамкор таълим муассасаларидан юқори малакали ўқитувчилар ва олимларни фаол жалб қилиш ...” таъкидланиб, бугунги кунда мазкур муаммолар муҳим аҳамият касб этаётганлиги шубҳасиздир.

Таълим жараёни ўзаро ҳамкорликка ва ижодий тажриба алмашинишга асосланилган жараёндир. Олий таълимда самарали ўқитишни ташкил этилишига эришишда бир қанча таълим турларидаги жорий этилаётган ўқитишнинг янги шаклларини жорий этиш зарур. Ўзлаштирилаётган билим ва малакалар қанчалик тажрибадаги мавжуд бўлган маълумотлар билан ассоциатив боғлиқлик ҳосил қилса, уни ўзлаштириш ва хотирада сақланиши осон кечади. Шу маънода олий таълимдаги жорий этилаётган самарали ўқитиш усулларини таълим жараёнида қўлланилиши бўлажак мутахассисларни илмий ижодиётини ўстиришга, мустақил фикрий таҳлилини оширишга ва ўз устида ижодий ишлашига кенг имкон яратади.

Ўзбекистон Республикасида давлатнинг таълим сиёсати таълим самарадорлигини кўтариш, мутахассисларни тайёрлашнинг мамлакатимиз иқтисодиёти талаблари ва халқаро стандартларга жавоб берувчи даражасини кафолатлашдек муҳим мақсадга йўналтирилган. Олий таълим тизимини ривожлантиришнинг стратегик вазифа сифатида ўзига хос хусусияти малакали рақобатбардош мутахассисларни тайёрлаш, уларда янги билим ва кўникмаларни эгаллаш, қарорлар қабул қилишда ижодий фаоллик, ташаббускорлик, илмий тадқиқотчилик фаолиятини шакллантиришдан иборат. Талабаларни касбий йўналиши бўйича педагогик фаолиятга тайёрлаш жараёнининг самарадорлигини ошириш бу вазифани бажаришнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Олий таълим муассасалари касбий компетентлигини ривожлантириш механизмлари акмеологик ва компетенциявий ёндашувлар асосида такомиллаштириш, касбий компетентликни ривожлантиришнинг инновацион фаолиятга йўналтирилган шакл ва методларини модернизациялаш, касбий-педагогик таълим мазмунини индивидуаллаштириш масалаларининг илмий-амалий ечимига қаратилган.

Бугунги кунда ҳар бир шахс дунёни англаши, ҳаёт ва жамият қонуниятларини ҳар томонлама идрок этиши, ер юзасидаги турли халқлар ва миллатлар дунёқараши, ғояси, маслак-муддаоларини билиш учун ҳам танқидий фикр юрита олиши давр талаби бўлмоқда. Нега деганда, бугунги замонда ҳар қандай рақиб ва мухолиф билан баҳсга киришиши учун ҳар бир инсон танқидий фикрлай олиши зарур. Тадқиқотчилик асосида фаолият олиб боришнинг аҳамияти жамоа асосида, ахборотларни қабул қилиш, уларга ўз муносабатини билдириш, хатолик ва номувофиқларини излаш, ўз мулоҳазаларида хатоликка йўл қўймасликка интилиш, ўз тушунмовчиликларини англаш, фикрлаш, аниқ ҳулосалар

чиқаришга йўллашдан иборат. Таълимнинг бугунги вазифаси эса, талабаларни кун сайин ошиб бораётган ахборот-таълим муҳити шароитида мустақил фаолият кўрсата олишга, ахборот оқимидан онгли тафаккур орқали оқилона фойдаланишга ўргатишдан иборат.

Олий таълим муассасаларида бўлажак мутахассисларни тадқиқотчилик фаолиятига тайёрлашда махсус фанлар катта имкониятларга эга. Бугунги кунда олий таълимда педагогик амалиёт бўлажак касб таълими педагогларини тадқиқотчилик фаолиятига тайёрлашнинг якунловчи босқичи саналади. У муайян таълим муассасасида педагогик инновациялар моҳиятини ўзлаштириш, янгиликларга нисбатан ўз нуқтаи назарини белгилаш, уларда шу жараёнда ўзи иштирокига оид вазифалар билан бойитилади. Педагогик амалиёт ўташ даврида педагогик вазифаларни лойиҳалаш ва уларни ҳал қилиш йўлларини асослаш кўникмаларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Олий таълим муассасаларида илмий тадқиқотлар билишнинг илмий тамойиллари ёрдамида аниқ объектни ўрганиш мақсадида олиб борилади. Ушбу соҳада илмий йўналиш, илмий муаммо ва илмий мавзу каби тушунчалар мавжуд. Илмий тадқиқот ишларига киришишдан олдин бўлажак иқтисодчи педагоглар, унинг методлари, шакллари ва воситаларини тўғри танлаб олиши ва методикани илмий асослашлари лозим. Илмий тадқиқотлар муаммони юзага чиқариш, мавзуни танлаш ва маълум бўлган маълумотларни объектив таҳлили учун ахборотни излашдан бошланади. Ахборотни излашдан сўнг, илмий изланишларга ўтилади, яъни илмий ижодга киришилади. Бунда шахснинг эвристик фаоллиги янги назарияни яратишга олиб келади. Илмий тадқиқот – фаннинг мавжудлик шаклидир. Илмий тадқиқот ишининг назарий, амалий ва илмий аҳамияти далилларини йиғиш, ўрганиш ва тизимлаштириш, мантиқан текис илмий қонунни яратиш мақсадида айрим ва алоҳида қонуниятларни умумлаштириш ва очиб беришдан бошланади. Билишнинг алоҳида поғоналарининг диалектикаси тадқиқот фаолиятининг турли шаклларини тахмин қилади. Улар эса, шартли равишда ахборотли ва илмий изланишларга бўлинади.

Бизнингча, бўлажак мутахассисларни тадқиқотчилик фаолиятига тайёрлашнинг педагогик шарт-шароитлари қуйидаги эҳтиёжларга жавоб берадиган назарияни қуришдан иборат: фактларни таҳлил этиш, таснифлаш ва бир тизимга солиш (синтез қилиш); реал иқтисодиётнинг аниқ фактларини талқин қилиш ва англаб олиш; янги натижаларни олдиндан айтиб бериш ва ҳодисалар ривожини башорат қилиш каби.

Таълимни модернизациялаш шароитида назариядан амалиётга ўтиш бўлажак иқтисодчи педагоглардан алоҳида типдаги тадқиқотчилик фаолиятига тайёргарлигини талаб этади. Бундай фаолият лойиҳалаштириш бўлиб, унинг асосий концептуал таркибий қисми лойиҳа саналади. Таълим соҳасида лойиҳалаштириш фаолиятининг устуворлиги замонавий педагог профессионализмини ривожлантириш зарурати билан белгиланадики, унинг сифат кўрсаткичлари нафақат педагогик жараённинг ўзини, балки унинг натижалари, ривожланиш истиқболларини режалаштириш, ташхислаш, моделлаштириш, лойиҳалаштириш кўникмаларини шакллантиради ҳамда касбий таълимни юқори даражада такомиллаштиришни таъминлайди. Шунга кўра, олий таълим педагогик кадрларини тайёрлашнинг замонавий тизимида таълим жараёнларини лойиҳалаштириш кўникмасини ривожлантирадиган психологик-педагогик ва касбий-ижодий йўналишларни интеграциялаш негизида бўлажак мутахассиснинг касбий компетентлигини шакллантиришга алоҳида урғу берилмоқда.

Бўлажак мутахассисларни тадқиқотчилик фаолиятига тайёрлаш самарадорлиги - таълим жараёнини лойиҳалашнинг моҳияти, тамойиллари ва тартиби ҳақидаги билимларни шакллантириш, ўзининг педагогик фаолиятини лойиҳалаш индивидуал услубини англаш, касбий-педагогик фаолиятга яхлит ҳиссий-қадриятли муносабатни шакллантириш, тадқиқотчилик фаолиятининг зарурлигига ишонч ҳосил қилиш, таълим муассасалари шароитида тадқиқотчилик фаолиятини репродуктив, ижодий даражада амалга ошира билиш, тадқиқотчилик фаолияти усулларига ўргатишнинг метод ва воситаларини танлаш каби педагогик шартлар йиғиндисини амалга ошириш йўли билан таъминланади.

Мазкур педагогик шартларни жорий қилиш таълимнинг анъанавий ва ноанъанавий шаклларини уйғунликда олиб боришни кўзда тутади. Тадқиқот давомида бўлажак иқтисодчи педагоглар ўзлари танлаган тадқиқот мавзусининг мазмуни етакчи ғоя ва тамойилларини аниқлаш мақсадида муаммонинг ташхисий тавсифи ва технологик ечимлари бўйича таълимнинг гуруҳли шакллари орқали амалга оширилади. Унинг асосий вазифаси турли даражадаги фаол ва мустақил фаолиятни кўзда тутадиган таълимнинг индивидуал йўналишларини белгилаш, ҳар бир тадқиқот учун иш методлари ва ўқув материалининг зарурий талқинини танлаш, тадқиқот мавзусини ўрганишнинг турли даражадаги таълимий натижага олиб келадиган дидактик таъминотини умумлаштириш, тадқиқот давомида топшириқларни бажариши бўйича тавсияларни ишлаб чиқиши зарур.

Бугунги кунда амалга оширилган ишлар бўлажак мутахассисларни тадқиқотчилик фаолиятига тайёрлаш муаммосининг аниқланган ечимлари борасида янги тадқиқот ишларини амалга ошириш зарурлигини кўрсатди. Бундан келиб чиққан ҳолда, тадқиқот йўналишлари сифатида қуйидаги тавсияларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ:

- иқтисодиёт олий таълим муассасаларида тадқиқотчилик фаолиятини амалга оширишнинг изланиш, йўналтириш, тизимлилик, технологик ва умумлаштириш каби тузилмавий хусусиятларини инновацион тамойил асосида дифференциаллаш орқали бўлажак мутахассисларнинг касбий фаолиятга йўналтириш компонентлари ташкилий функцияларини такомиллаштиришга эришиш;

- бўлажак мутахассисларнинг илмий ва ижодий ёндашувлари асосида уларнинг касбий фаолиятларини ривожлантириш орқали тадқиқотчилик фаолиятига тайёрлашнинг мотивацион, таҳлилий-прогностик, касбий-изланиш, рефлексив-баҳолаш каби босқичлари мазмунини ишлаб чиқиш;

- бўлажак мутахассисларни тадқиқотчилик фаолиятига тайёрлашда уларнинг мақсадли, мазмунли ва фаолиятли амалий кўникмаларини модулли ёндашув асосида ўқув-методик таъминоти ва умумкасбий фанларини ўқитиш методикасини такомиллаштиришга эришиш;

- иқтисодиёт олий таълим муассасаларида бўлажак мутахассисларни касбий-ижодий фаолиятга тайёрлашда, уларда шахсий ва касбий муҳим сифатларини ривожлантиришга ва тадқиқотчилик, креатив компетенцияларини шакллантиришга имкон яратишдан иборат.

Умуман олганда, бугунги кунда олий таълим муассасаларида таълим жараёнини юқори даражада ташкил этиш ва ўқитиш сифати мониторингини тўғри йўлга қўйиш, иқтисодиётимиз учун сифатли ва рақобатбардош мутахассис кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, олий таълим муассасаларида Давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, бўлажак мутахассисларни тадқиқотчилик фаолиятига тайёрлаш, тараққий этган ва саноати ривожланган мамлакатларнинг илғор тажрибасидан, фан, техника ва технологиянинг сўнгги ютуқларидан фойдаланиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича **Ҳаракатлар стратегияси** Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. ПФ-4947-сонли 2017 йил 7 февраль.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, ПҚ – 2909 -сонли, 18-сон, 313-модда , 2017 йил 20 апрель.
3. Hakimova M.F. Zamonaviy iqtisodchining shaxsi. -T.: IQTISODIYOT, 2019.
4. Fayzullaeva N.S. Ta`lim menejmenti. - T.: IQTISODIYOT, 2019.
5. Asqarova M.T., Amirov L.F., Islomov A.A., Yaxshimuratova A.R. Inklyuziv iqtisodiy o’sish.- T.: Iqtisodiyot, 2019.
6. Xakimova M.F., Mamarajabov Sh. Maxsus fanlarni o'qitish metodikasi. O’quv qo’llanma. – T.: Iqtisodiyot, 2021. - 200 s.

7. Ochilova G.O., Akbarova S.Sh. Kasbiy kompetentlik. (Darslik). T.: “Innovatsion rivojlanish nashriyot-matbaa uyi”, 2022. 324 b.
8. Эргашева Д.Д. Профессиональная компетентность. Учебник. – Т.: “Innovatsion rivojlanish nashriyot-matbaa uyi”, 2021 .-280 с.